

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРИМОВ ХАМИД АЗИМОВИЧ

**ХОРАЗМ МИНТАҚАВИЙ ФИТОНИМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ
ТАҲЛИЛИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2020

УДК: 811.512.133'373.2:582(575.171)(043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological Sciences**

Наримов Хамид Азимович

Хоразм минтақавий фитонимларининг лисоний таҳлили..... 3

Наримов Хамид Азимович

Лингвистический анализ хорезмских региональных фитонимов..... 25

Narimov Khamid Azimovich

The linguistic analysis of Khorazm regional fitonyms.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works53

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАРИМОВ ХАМИД АЗИМОВИЧ

**ХОРАЗМ МИНТАҚАВИЙ ФИТОНИМЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ
ТАҲЛИЛИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
B2017.1.PhD/Fil17 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг
веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Дўсимов Зариббой филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ибрагимов Юлдаш Маткаримович филология фанлари доктори, доцент Киличев Байрамали Эргашович филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация химояси Урганч давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 рақамли Илмий
кенгашнинг 2020 йил «23» сентябр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил:
220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси, 14-уй.Тел: (+99862) 224-67-00; факс: (99862)
224-67-00; e-mail: fil-ik.urdu.uz.)

Диссертация билан Урганч давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш
мумкин. №-388 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Х.Олимжон кўчаси,
14-уй. Тел: (99862) 224-67-00).

Диссертация автореферати 2020 йил «14» сентябр куни тарқатилди.
(2020 йил «14» сентябр даги 7-382 рақамли реестр баённомаси).



О.Гайлиева
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари,
филол.ф.д. (DSc), доцент

С.Сариев
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш котиби, филол. ф.д. (DSc),
доцент

С.Рўзимбоев
Илмий даража берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида мустақил йўналишлардан бирига айланиб бораётган ономастикада фитонимлар ботаника, ўсимликшунослик, фармакология, социология, лингвокультурология фанлари томонидан муҳим, ноёб, бой тарихий, миллий-маданий, ижтимоий ахборотлар ташувчи лисоний бирлик сифатида эътироф этилган. Бинобарин, жаҳон тилшунослигида фитонимларни ономасиологик, диалектологик, терминологик, этимологик ва семасиологик жиҳатдан ўрганиш, уларнинг ясалиш усуллари ва мавзуй гуруҳларини аниқлаш, адабий тилда, халқ оғзаки ижодида ва шеваларга оид нутқ услубларида қўлланилишининг ўзига хос тарафлари хусусида олиб борилган тадқиқотлар ва чиқарилган назарий хулосалар соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан ҳисобланади.

Дунё ономастикасида фитонимларни ўрганиш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этади. Чунки ҳозирги фан ва техниканинг мислсиз тараққиёти, қишлоқ хўжалиги ва тиббий билимларнинг интеграциялашуви халқлар тилидаги кўпгина фитонимларнинг истеъмолдан чиқишига сабаб бўлмоқда. Уларнинг ўрнини халқаро ва адабий тилга хос сўзлар эгалламоқда. Шунинг учун ҳам халқ вакиллари кўпминг йиллар давомида яратган бебаҳо тил бойлиги бўлган фитонимларни сақлаб қолиш, уларни ономастик, лингвопоэтик ва лингвокультурологик хусусиятларини очиб бериш долзарб масалага айланди. Бугунги кунда кўплаб халқлар тилшуносларини ташвишга солаётган, йўқолиб кетиш арафасида турган ва кам ўрганилган фитонимларни лингвистик муаммо сифатида тадқиқ этиш ҳамда бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбек тилшунослигида фитонимларни тизим сифатида ўрганилиши, уларнинг мавзуй-семантик гуруҳлари, ясалиш мотивлари ва тамойиллари, шунингдек, уларнинг тарихий-этимологик илдизлари, луғавий-грамматик хусусиятларини тадқиқ этиш замон талабидир. Бундан ташқари, бу соҳани алоҳида муаммо сифатида ўрганиш, халқимизнинг тарихи, этнографияси, маданияти ва маиший турмуши билан боғлиқ айрим масалаларни ҳал қилишга имкон беради. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир”¹. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот объекти бўлган Хоразм воҳаси фитонимлари ҳам мазкур ҳудуд аҳолисига хос бўлган кўплаб маълумотларни ўзида мужассамлаштирганки, уларни ўрганиш ва номларини тўплаб луғат ҳолига келтириш ўзбек тилшунослигининг долзарб вазифалари сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2019, 22 октябрь, № 218 (7448).

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-2789-сон Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2018 йил 28 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномаси, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги” Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори талабларига мос равишда фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хоразм шеваларининг деярли барча соҳалари бўйича олимлар кенг қамровли тадқиқот ишларини олиб боришган. Бу ўринда Ф.Абдуллаев¹, А.Ишаев², О.Мадраҳимов³, З.Дўсимов⁴, Ю.Жуманазаров⁵, Э.Ўрозов⁶, М.Сапаров⁷, М.Жуманиёзова⁸, А.Отажонова⁹ каби олимларнинг ишларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Гарчи баъзи илмий тадқиқотларда ўзбек шевасига хос бўлган фитонимлар умумий ҳолда ўрганилган ёки лексикологияга оид айрим ишларда бошқа муаммолар билан боғлиқ ҳолда йўл-йўлакай тилга олиб ўтилган бўлса-да, Хоразм шевасига хос бўлган фитонимлар шу кунгача махсус тадқиқот объекти бўлгани йўқ. Хоразм шеваларида ўсимлик номларини ифодаловчи сўз атамаларининг қиёсий таҳлилига бағишланган махсус монографик, лингвистик ишлар учрамайди. Лекин ўзбек ва уйғур тилларида мазкур мавзу билан боғлиқ баъзи ишлар ва айрим мева номлари ҳақидаги мақолалар мавжуд. Ўзбек тилидаги фитонимлар тадқиқида муҳим манба бўлиши мумкин бўлган дастлабки ишлардан бири С.С.Саҳобиддинов томонидан эълон қилинган “Ўрта Осиёдаги фойдали ва зарарли ўсимликларининг илмий ҳам маҳаллий номлари луғати”дир¹⁰. “Муқаддимат ул-адаб”нинг Бухоро нусхасида келтирилган

¹ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. 1-жилд. – Тошкент: ЎзФАН, 1961. – 346 б.

² Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 148 б.

³ Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. – Тошкент: Фан, 1973. – 192 б.

⁴ Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 104 б.

⁵ Жуманазаров Ю. Ўзбек тили Жанубий Хоразм (ўғуз) диалектининг синтактик қурилиши. – Тошкент: Фан, 1976. – 76 б.

⁶ Ўрозов Э. Жанубий Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1978. – 135 б.

⁷ Сапаров М. Хоразм воҳасидаги туркий тилларнинг ўзаро муносабатлари. – Тошкент: Фан, 1988. – 147 б.

⁸ Жуманиёзова М. Хоразм халқ қўшиқлари лексикаси: Филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 1999. – 132 б.

⁹ Отажонова А. Хоразм этнопонимлари. – Тошкент: Фан, 1997. – 126 б.

¹⁰ Саҳобиддинов С.С. Ўрта Осиёдаги фойдали ва зарарли ўсимликларининг илмий ҳам маҳаллий номлари луғати. – Тошкент, 1953. – 96 б.

фитонимларни махсус ўрганган А.К.Боровков¹ ушбу ишдаги сўзларни ҳозирги ўзбек адабий тилига қиёслашда Н.Н.Поппе² тадқиқотидан кенг фойдаланган. Ю.Эшонқуловнинг “Ўзбек тилидаги мева номларининг тарихи ҳақида” номли ишида *олма, узум, емиш, мева* каби сўзларнинг таркиби ва маънолари тарихий-этимологик жиҳатдан баъзи туркий ёдгорликлар материаллари асосида ҳозирги ўзбек тили материалларига қиёсан таҳлил қилинади³. Ш.А.Баратовнинг “Уйғур тилининг касб-хунар лексикаси” ишида уйғурлар тилидаги боғдорчилик, сабзавотчилик ҳамда полизчиликка оид атамалар ҳақида фикр юритилади⁴.

Ўзбек тилшунослигида Т.Нуъмоновнинг Фарғона водийси ўзбек шевалари материаллари асосида “Ўзбек тилида полизчилик терминлари” мавзусидаги диссертацияси мавжуд. Бу тадқиқотда мавзу кўламадан келиб чиққан ҳолда фитонимларнинг фақат полизчиликка оид атамалари хусусида сўз юритилади. Қовун, тарвуз, қовоқ, бодрингларнинг турлари бош сўз сифатида келтирилиб, уларнинг тавсифлари берилади. Диссертацияда полиз экинлари билан боғлиқ *қовун экиш, қовун чопиш, қовун палак, гунча, барг, томир, гул, илдиз, туп, пайкал, уруғ* каби 450 та атама ҳам тадқиқ этилган⁵.

Бундан ташқари, М.Сапаровнинг “Туркий тилларда полиз экинлари номлари”, К.Мелиевнинг “Туркий тилларда мевали дарахт номлари ва улар асосида ясалган лексик birlikлар” каби тадқиқотларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги туркий тиллар сўз бойлигининг мевали дарахт ва полиз экинлари номлари қиёсий-тарихий жиҳатдан ёритилган, ўзбек тили лексикасига хос бўлган номлар қиёсий нуқтаи назардан таҳлил этилган⁶.

Тилшунослигимизда ушбу мавзу доирасида амалга оширилган тадқиқотлардан бири Г.Неъматованинг “Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва қўлланилиши” мавзусидаги диссертациясидир. Ишда тадқиқотчи ўзбек тилидаги ўсимлик номларини тизим сифатида тадқиқ этиб, уларнинг бадиий қўлланилишига алоҳида эътибор қаратган⁷. Ўзбек тили фитонимларининг лексик-семантик хусусиятларини тадқиқ қилган Н.Пазлитдинова ўсимликларнинг атоқли номлари – фитонимлар ҳақида фикр юритган ва бир қанча ижобий мулоҳазалар баён қилган. Жумладан, ўсимлик номлари лексикасида шу пайтгача учрайдиган имловий хатоларни аниқлашга ҳаракат қилган⁸. Б.Мирсановнинг “Ўзбек тили терминологиясида иккиламчи номлашлар ва

¹ Боровков А.К. Названия растений по бухарскому списку «Мукаддимат ал-адаб» // Тюркская лексика и лексикография. – М.: Наука, 1971. – С. 95-110.

² Поппе Н.Н. Монгольский словарь Мукаддимат ал-адаб. I-II. – М.-Л., 1938. – 452 с.

³ Ишанкулов Ю. К истории названий плодов в узбекском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук. – Ташкент, 1985. – 21 с.

⁴ Баратов Ш. Профессиональная лексика уйгурского языка: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1977. – 21 с.

⁵ Нугманов Т. Термины бахчеводства в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973. – 22 с.

⁶ Исмоилов И., Мелиев К., Сафаров М. Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқот. – Тошкент: Фаъ, 1990. – Б. 100-250.

⁷ Неъматова Г. Ўзбек тилида ўсимлик номлари лексемалари: тизими ва қўлланилиши: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998. – 21 б.

⁸ Пазлитдинова Н.З. Ўзбек тили фитонимларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Фарғона, 2018. – 180 б.

уларнинг мотивлашуви” мавзусидаги диссертациясида ўзбек тили зоонимлари ва фитонимлари таркибидаги иккиламчи номлаш жараёнида ном кўчишнинг омиллари ва турлари тадқиқ этилган¹. Табиийки, Г.Неъматова, Н.Пазлитдинова, Б.Мирсановларнинг қайд қилинган ишларида шева материаллари асосий тадқиқот объекти вазифасини бажармаган.

Юқорида қайд этиб ўтилган мавзуга бевосита тааллуқли манбалардан ташқари эски ўзбек тилида битилган Хоразм ёзма ёдгорликлари тили бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳам минтақа фитонимларини тарихий аспектда таҳлил қилишда муҳим ўрин тутди. Бу борада Э.Фозилов², Б.Абдушукуровлар³ томонидан амалга оширилган ишларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига оид бир қатор адабиётлар ҳам мавзу тадқиқида муҳим манба вазифасини бажаради. Мазкур адабиётларда ўсимликларга берилган биологик таърифлар, уларнинг тарихига оид маълумотлар фитонимларнинг лисоний тадқиқидаги айрим мулоҳазали ўринларни ойдинлаштиришда, баъзи муаммоли масалалар юзасидан бир тўхтамга келишда катта ёрдам беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Урганч давлат университетининг “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот режасининг таркибий қисми сифатида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм воҳасидаги диалект ва шеваларда учровчи фитонимларни лисоний тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Хоразм минтақасидаги фитонимларни тўплаш ва уларни системалаштириш;

минтақадаги фитонимларнинг мавзуий-семантик гуруҳларини белгилаш ва ушбу гуруҳга кирувчи сўзларни тасниф қилиш;

объект материалларини луғавий қатламларга ажратиш ва таҳлил қилиш;

фитонимларнинг мотивацион асосларини аниқлаш ва шу асосда гуруҳларга ажратиш;

Хоразм шевалари билан бошқа ўзбек шевалари, шунингдек, туркий ҳамда қариндош бўлмаган тиллар билан алоқаларини тадқиқ қилишда фитонимларнинг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Хоразм воҳасидаги ўсимлик номлари олинган. Мавзунинг фактик материалларини Хоразм воҳаси (баъзи ўринларда Қорақалпоғистон Республикаси)да қадимдан ва ҳозирга қадар қўлланилаётган ўсимлик номлари ташкил қилади. Фактик материаллар асосан, шева вакиллари тилидан бевосита сўраш орқали ёзиб олинган, изоҳли диалектологик,

¹ Мирсанов Б. “Ўзбек тилида терминологиясида иккиламчи номлашлар ва уларнинг мотивлашуви (ўзбек тили зоонимлари ва фитонимлари мисолида)”: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Самарканд, 2019. – 22 б.

² Фазылов Э.И. Староузбекский язык хорезмские памятники XIV века: Автореф. дисс. д-ра филол. наук. – Ташкент: 1967. 216 с.; Староузбекский язык. Хорезмские памятники XIV века. Том I-II. – Ташкент: Фан, 1966, 1971.

³ Абдушукуров Б. “Қисаси Рабғузий” лексикаси. – Тошкент: Академия, 2008. – Б. 48.

терминологик, этимологик сўзликлар ҳамда халқ оғзаки ижодига оид асарлардан, мақолалардан ва қишлоқ хўжалигига, ботаникага оид махсус адабиётлардан олинган. Бундан ташқари, Хоразм воҳасига оид тарихий, илмий асарлар ва луғатлардан ҳам қиёс учун материал манбалари сифатида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Хоразм минтақасидаги ўсимлик номларининг лингвистик хусусиятлари танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда тавсифий, тарихий-қиёсий ҳамда тарихий-этимологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хоразм минтақасидаги фитонимлар мавзуйий-семантик жиҳатдан сабзаёт экинлари, дарахт, ўт ва бута номлари каби турларга ажратилиб, уларнинг ономастик тизимдаги лисоний мақоми ва вазифалари аниқланган;

фитонимлар тарихий-этимологик таснифи орқали тарихий-қиёсий, тавсифий ва этимологик хусусиятлари аниқланиб, таркибида содир бўлган фонетик ва морфологик ўзгаришлар очиб берилган;

фитонимларнинг генетик таҳлили орқали минтақа луғат қатламига ўзлашишнинг лингвистик ва экстралингвистик сабаблари аниқланиб, фактик материаллар асосида далилланган;

фитонимларнинг аталиш мотивларига кўра турлари белгиланиб, луғавий-маъновий хусусиятлари ва номинацион-мотивацион асослари очиб берилган;

ўсимликларнинг табиий-биологик белгилари, таққослаш, ўхшатиш, вазифавий белгиси, инонч ва ақидалар асосида номлаш ҳамда расмий мотив номинатив асоснинг кўринишлари эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

фитонимия бўйича тўпланган материаллар, тадқиқот натижасида чиқарилган хулоса ва умумлашмалар ўзбек тилшунослиги, ўзбек диалектологияси учун энг муҳим зарурий, илмий маълумот бериши, лексикология, ономастика, диалектология фанларини ўқитишда амалий жиҳатдан ёрдам бериши асослаб берилган;

тадқиқот давомида олиб борилган изланишлар натижасида тўпланган материаллар “Хоразм шевалари луғати”ни тузиш учун манба сифатида хизмат қилиши кўрсатилган;

фитонимлар тадқиқидаги тарихий-этимологик қарашлар этимология соҳасидаги луғатларни янада бойитиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилга тортилган материаллар ўзбек тили ва Хоразм шевалари хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, хулосалар ҳамда умумлашмалар қилиш имконини берганлиги, асослилиги, методологик мукамаллиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу ишнинг илмий аҳамияти Хоразм воҳасидаги фитонимларни илк бор лисоний нуқтаи назардан монографик таҳлил қилинганлиги билан изоҳланади. Ишнинг назарий

хулосалари ва таҳлил усуллари бошқа ҳудудлар фитонимларини ҳам қиёсий ўрганишда манба вазифасини ўташи мумкин.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишдаги фактик материаллар, илмий хулосалардан ўзбек ономастикасига оид ўқув қўлланмалар яратишда, Хоразм фитонимлари ва шеваларининг изоҳли луғатларини тузишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, ушбу диссертация олий ўқув юртларида “Ўзбек ономастикаси”, “Ўсимлик номлари” мавзуларида махсус курслар ўқишда, умумтаълим мактабларида она тили, ботаника дарсларида қўшимча материал сифатида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм минтақасидаги фитонимик бирликларнинг тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Хоразм фитонимлари тизимида асрлар давомида вужудга келган *анзират, гўштхўр, балазур, балила, долчин, зарванд, зафар, макка, муқли, мастаки, мурч, назлаўт, омила, сано, сандарак, сунбул, хурмо, ҳалила* каби илмий-тарихий фитонимлар ва диалектал фитонимларнинг луғавий маъноларини билишда тадқиқот материалларидан фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2020 йил 25 июндаги №03-03/517-сон маълумотномаси). Натижада фитонимик бирликларнинг изоҳлари бойиган, мукаммаллашган;

табиат музейларидаги экспонатларнинг мазмунини шарҳлашда диссертация материалларидан фойдаланилган (Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фондининг 2020 йил 20 июндаги №01-40-20.07.20-сон маълумотномаси). Натижада музей фондида сақланаётган экспонатларнинг мазмунига доир изоҳлар ва таҳлиллар мукаммаллашган;

Хоразм Маъмун академиясида Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 мартдаги 49-баёни бўйича хўжалик шартномаси асосида амалга оширилган “Махмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб” асарини таржима ва чоп қилиш” грант лойиҳасида, хусусан, асар матнида учрайдиган сўзларни тўғри табдил қилиш, изоҳлашда фойданилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Хоразм Маъмун академиясининг 2020 йил 24 июндаги №101/2-20-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида фитонимик бирликларнинг изоҳлари бойиган, мукаммаллашган;

фитонимик бирликларнинг лексик-семантик ҳамда тарихий-этимологик тадқиқи юзасидан олинган натижалардан Хоразм вилояти телерадиокомпанияси томонидан 2019 йил 20 октябрда эфирга узатилган “Тилимизни ўрганамиз” ҳамда 2020 йил 14 мартда эфирга узатилган “Мунаввар кун” дастурларининг сценарийларини ёзишда фойдаланилган (Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 13 июндаги 2020-13-07/1041-сон маълумотномаси). Натижада мазкур манбалар кўрсатувларни маърифий ва амалий жиҳатдан бойитишга ҳисса қўшган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий

аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та (5 та республика ҳамда 1 та хорижий журналларда) мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишга Хоразм воҳаси фитонимларининг қисқача луғати илова қилинган бўлиб, умумий ҳажми 152 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг биринчи боби **“Фитонимларнинг мавзуй-семантик гуруҳлари”** деб аталади ва у 4 бўлимдан иборат. Биринчи бобнинг дастлабки бўлими **“Сабзавот номлари”** деб номланган. Сабзавот экинларини ўстириш, яъни сабзавотчилик маълум соҳага айланган. Уларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқот институти ҳам ташкил қилинган. Сабзавот ейиладиган ва овқатга ишлатиладиган серсув ўт ўсимликларидир. Уларнинг 120 дан ортиқ экиладиган тури маълум¹. Ўзбекистонда 10 оилага мансуб 90 тури кўп тарқалган. Уларни истеъмоли, етиштирилиши ва кўриниши каби хусусиятларига қараб 5 гуруҳга бўлишни лозим топдик:

1) полиз экинлари номлари: *қовун, тарвуз, ҳандалак, қовоқ, бодринг;*

2) илдизмевали экинлар номлари: *сабзи, лавлаги, картошка, шолғом, турп, редиска;*

3) пиёзли экинлар номлари: *пиёз, саримсоқ;*

4) мевали сабзавотлар номлари: *помидор, бақлажон, қалампир, карам;*

5) баргли сабзавотлар номлари: *салат, укроп, петрушка, сельдерей* ва бошқалар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёга картошка, помидор, карам, болгар қалампери Россиянинг Европа қисмидан, редиска, турп ва полиз экинларининг айрим турлари Хитойдан келтирилган.

Хоразм аҳолиси жуда қадим замонларданоқ полизчилик билан шуғулланишган ва яшаш манбаларининг бири сифатида уни ривожлантирган. Тарихий манбаларда келтирилишича, ибтидоий суғорма деҳқончилик билан бир қаторда, Хоразмда дарё ҳавзасида, унинг тармоқлари ва сунъий каналлар этакларида полиз экинлари яхши ҳосил берган². Амударё ҳавзасидаги қатор

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2005. – 10-ж. – Б. 405.

² Гуломов Я. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Тошкент: ЎзФан, 1959. – Б. 67.

ерларда етиштириладиган қовунлар ўзларининг ширинлиги, хушбўйлиги ва юқори озиқлилиги билан фарқ қилади. Улар қадим замонларда узоқ-узоқ мамлакатларда ҳам машҳур бўлган. Бу қовунлар зардан ишланган махсус қоғозларга ўралиб, Бағдодга, араб халифалари саройига олиб келтирилган¹.

Умуман, Марказий Осиё, жумладан, Хоразм воҳаси ҳам полиз экинларининг дастлабки навларини вужудга келтирган қадимий ўлкалардан биридир. Бу минтақада яшовчи халқлар об-ҳаво, ер тузилиши, суғориш системаси ва шу сингари объектив шарт-шароитларга мос ҳолда, полиз экинларининг ранг-баранг хиллари, улар билан боғлиқ ҳолда қовун, тарвуз, ковок, бодрингларнинг жуда кўплаб номларини ҳам ижод қилганлар.

Дарҳақиқат, ўзбек тили лексикасининг ажралмас қисми бўлган касб-хунарга оид сўзлар, хусусан, бу соҳанинг полизчилик экинлари номи билан боғлиқ қисми мазкур соҳа эгаларининг асрлардан бери ижтимоий меҳнатлари жараёнида яратилган. Шундай экан, уларда аҳолининг ҳаёт кечирishiда ушбу маҳсулотнинг қандай роль ўйнаши уларнинг номида акс этиши шубҳасиз. Зеро, айрим полиз экинларининг ўзлари ҳозирги кунда маълум соҳага айланиб улгурган. Масалан, қовунчилик. Полиз экинлари номлари билан боғлиқ ҳолда бир қатор бошқа атамалар ҳам вужудга келганки, улар ҳам ўз маъно ва грамматик хусусиятларига кўра ранг-баранг кўринишга эга. Масалан, қовун экиш билан боғлиқ *аббён// ҳаббён, аббён// ҳаббён қақши, қарық, қарық чакши, йайма қавын, қайыр қавын* ва ҳоказо.

Ушбу гуруҳда *қовун, қувын, бийшак гула:въ // гулабы // гулавы, қарагула:въ, көк гулабы, бекзади // бе:зат гурвæk // гурбæk // гурвек, аққаш, ақнават, азгын // а:згын, хасæки, тарлавық // тарлавуқ, шækарна:ра, тарлавық // тарлавуқ, муррик // муррæk², лә:шæки, вахарманы // вахарман, ақбалық, æркækкун, балықы, Шаббаз гулавы, қызылгурвæk, Молласана, Марькун, туйнæk // дунæk, хашаки тарвуз, астрахан, доллар, қырқгунлик, кæдъхарвæз, қарахарвуз, гækхарвуз, йунқа пўчақ, қышқъ харвæз, ала харвæз, замча, көкпышær доңыз кæды, наскæди, чақча, насбайчақча, алма кæди // алмағавақ* каби фитонимлар таҳлили берилди.

Гæшир (ад. орф. сабзи), *сычанқуйрық, æркækгашыр, узи:нгашыр, қатыргæшыр, æргигæшыр* (эртапишар), *гечкыгæшыр, йылмагæшыр, шалгам* (ад. орф. шолғом), *тулуп // турып* (ад. орф. турп), *редискæ, картишка* (картошка) каби ўсимлик номлари илдизмевалилар гуруҳида қайд этилган.

Пийаз (ад. орф. пиёз), *ақтийаз, қызылтийаз, чесноқ* (ад. орф. саримсоқ) каби сўзлар пиёзгулдошлар таркибида таҳлилга тортилган.

Мевали сабзаётлар типида *памидор, бақлажан, бурч* (қипчоқ шеваларида *бырч*) каби сўзларга изоҳ берилган.

Баргли сабзаётлар сифатида *укроп, петрушка, сельдерей* сингари сўзларга эътибор қаратилади.

Бобнинг иккинчи қисми “Дарахт номлари” деб номланади ва унда Хоразм шевалари вакиллари яшайдиган минтақада мавжуд фитонимларнинг дарахтлар

¹ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Ч. II. – С. 247.

² Ўзбек халқ шевалари лексикаси луғати. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 188.

билан боғлиқ қисми икки гуруҳга – *мевали дарахтлар* номлари ва *манзарали дарахтлар* номлари тарзида ажратиб ўрганилган.

Мевали дарахтларнинг энг кўп тарқалган турлари *алма, ёрик (ўрик), шайтали, айнежир, алмырт, жийда, тут, чий, ёнар, бэги* кабилардир. Хоразм шеваларида дарахт сўзи *ағач* шаклида ҳам қўлланади: *мийвэли ағач, мийвэсиз ағач* каби. Қадимги туркий халқлар тилида дарахт маъноси ифодалаш учун *терек, ағач* сўзлари қўлланилган¹.

Ғарбий қипчоқ тилларида *хурма терэки, зайтун терэки, армуд терэки* (рус. грушевое дерево), яъни хурмо дарахти, зайтун дарахти, нок дарахти каби бирикмалар учрайди. Ўрта Осиёдаги туркий тилларда, айниқса, ўзбек тилида *терак* “дарахтнинг бир тури” маъносини билдиради, *ағач* (ёғоч) сўзи эса рус. брус, бревно маъноларидан ташқари, дарахт маъносини ҳам англатади: “*Давлатбахт сарв оғочларининг тағига бориб ўтирди-да, мудрай бошлади*” (Ойбек, “Навоий”).

К.Мусаевнинг фикрича, туркий тилларда қўлланиладиган *дарахт* сўзи эроний тиллардан ўзлашган. Дарахт сўзининг паҳлавий тилида ҳам ёғоч маъносида *draxt* шаклида қўлланиши, арман тилида *draxt* сўзининг “боғ” маъносини англатишига эътибор қаратсак², К.Мусаевнинг мулоҳазаси ўринлидай кўринади. Мурод Аджи дарахт сўзини эронийлашган туркий сўз деб таъкидлайди³. М.Рясяненнинг қайд қилишича, *дарахт* сўзи *терэк* сўзининг фонетик ўзгаришга учраган шаклидир⁴.

Манзарали дарахт номлари сифатида *тал, тэрэк, торангы, қараман, гужум* дарахтлари номлари таҳлили берилган.

Бобнинг учинчи бўлими “Бута номлари” деб номланган. Воҳа наботот дунёсининг ўзига хосликларидан келиб чиқиб, Хоразм шеваларида бута номларини ифодаловчи сўзлар кўпчиликни ташкил қилмайди. Бунга *йулгун, сазақ, жангал* сўзларини киритиш мумкин. *Сазақ* сўзига Ф.Абдуллаев “саксовулнинг бир тури” деб изоҳ берса⁵, А.Ишаев сазақ айни саксовулнинг ўзи эканини таъкидлайди⁶. Бизнингча, А.Ишаевнинг фикри ўринлидир.

Бобнинг тўртинчи бўлими бўлган “Ўт номлари”да фитонимлар озиқ-овқат ўсимликлари номлари, ем-хашак ўсимликлари номлари, доривор ўсимлик номлари, манзарали ўсимлик номлари, маиший ҳаётда фойдаланиладиган ўт номлари тарзида тасниф қилинган ҳолда ўрганилган. Масалан, *гунжы // кунжы* (ад. **орф.** кунжут) билан боғлиқ фитонимлар. Кунжут Хоразмда *гунжы // кунжы* шаклларида ишлатилади. Кунжутдошлар (кунжутгуллилар оиласи)га мансуб бир ёки кўп йиллик ўсимлик. Унинг асл ватани Африка. Ҳиндистон, Хитой, Миср, Греция, Эрон каби мамлакатларда ҳам экилади. Унинг 35 тача тури мавжуд. Ўзбекистон, Туркменистон, Озарбайжонда ҳам озиқ-овқат ва тиббиётда қўлланиш учун етиштирилади.

¹ Мусаев К. Лексика тюркских языков в сравнительном освещении. – М.: Наука, 1975. – С.161.

² شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دکتر محمد معین . تهران . امیر کبیر . ۱۳۸۶ . جلد ۱ ص ۸۳۳

³ Мурад Аджи. Тюрки и мир: сокровенная история. –М.: АСТ, 2006. – С. 375.

⁴ Мусаев К. Лексика тюркских языков в сравнительном освещении. – М.: Наука, 1975. – С.163.

⁵ Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. 1-жилд. – Тошкент: ЎзФАН, 1961. – Б. 77.

⁶ Ишаев А. Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари. Тошкент: Фан, 1977. – Б. 149.

Ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида *кунжут* сўзи мавжуд. Мисол учун кирғ. *кунжут*, туркм. *кунжи*, озарб. *кунжут*, татар. *кунжут*, ўзб. *кунжут*. Уйғур тилида *кунжут ва қунжуат* шакли учрайди¹. Ушбу сўз эроний тилларда ҳам фаол қўлланади. Масалан, форс тилида *konjīd*² كنجيد, тожик тилида *кунчуд* шаклига эга. Форс тилида сўзлари хол (бадандаги туғма доғ) маъносини касб этган³. Айрим тадқиқотчилар тожик тилидаги *кунжид*, *кунжол* // *кунжола* // *кунжор* // *кунжара* сўзлари ўзбек тилидаги *кунжара*, *кунжит* сўзи билан бир асосга эга бўлиб, *кунжут* эроний тиллардан туркий тилларга ўзлашган деб ҳисоблайдилар⁴.

Боб якунида 5 банддан иборат қисқа хулосалар берилган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Фитонимларнинг тарихий-этимологик тавсифи**” деб аталади ҳамда 4 бўлимни ўз ичига олади.

Бирор тилнинг луғат таркибидаги фитонимлар тадқиқи ўша халқнинг маданияти, жумладан, табобат соҳасидаги илмий салоҳияти ва бошқа кўплаб жиҳатлар хусусида маълум тасаввур ва маълумотлар бериш имкониятига эга. Ўзбек тилидаги фитонимлар тизимининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ўрганиш уларнинг тарихий-этимологик тадқиқини амалга оширишда “Девону луғотит турк”, “Муқаддимат ул-адаб”, “Китоб ал-идрок ли-лисон ал-атроқ”, “Аттуҳфату закийату филуғатит туркия”, “Таржумон”, “Муҳокаматул-луғатайн”, “Санглоҳ”, “Бадойеъ ул-луғат” каби кўплаб асарларда баён қилинган маълумотлар, назарий фикрлар муҳим ўрин тутуди⁵. Ўзбек тилининг турли лаҳжа ва шевалар лексикасидаги фитонимлар тадқиқида ҳам туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили тарихининг турли сатҳлари бўйича илмий тадқиқот олиб борган турколоғлар Л.З. Будагов⁶, В.В.Радлов⁷, П.М.Мелиоранский⁸, А.К.Боровков⁹ каби олимлар томонидан бажарилган лексикологик ва лексикографик ишлар катта аҳамиятга эга.

¹ Бафоев Б.Кўхна сўзлар тарихи. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 42-43.

² Vafioy A., Abducamatov M., Avezmetov Sh. Forscha-o'zbekcha lug'at. – Toshkent: O'qituvchi, 2007. –B. 247.

³ شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دكتور محمد معين . تهران . امير كبير . ۱۳۸۶ . جلد ۳ ص ۱۲۰۲

⁴ Бафоев Б.Кўхна сўзлар тарихи. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 42-43.

⁵ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. I-III жилдлар. – Тошкент: ЎзФАН, 1960, 1961, 1963; Замахшарий М. Муқаддимат ул-адаб. Феъллар боби. Таржимон ва нашрга тайёрловчи З.Исломов. – Тошкент: Ислон университети нашриёти, 2002. Сўз боши. – Б. 3-10. Луғат қисми 886 б.; Расулова Н.А. Исследования языка «Китаб ал-идрок ли-лисонал ал-атрак» Абу Хайяна. Автореф. дисс...канд.филол.наук. – Ташкент, 1969; Асилова Н. Об источниках «Китаб ал-идрак ли-лисонал ал-атрак» Абу Хайяна // Советская тюркология. 1988. № 4. – С. 48-51.; Аттуҳфату закийату филлуғатит туркия. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент: Фан, 1968. – 279 б.; Изысканный дар тюркскому языку (Грамматический тракт XIV в. на арабском языке). Введение, лексико-грамматический очерк, перевод, глоссарий, грамматический указатель Э.И.Фазылова и М.Т.Зияевой. –Ташкент: 1978.–278 с.; Таржумон – XIV аср обидаси. Нашрга тайёрловчи А.Юнусов. – Тошкент: Фан, 1980. – 127 б.; Алишер Навоий. Асарлар. 3 томлик. 3-том. Нашрга тайёрловчи Ойбек ва П.Шамсиев. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1948. – Б. 171-219.

⁶ Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том I. – СПб. 1869/1960. -820 с.; том II. – СПб. 1871. – С. 417.

⁷ Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. I-IV. – СПб. 1893-1911.

⁸ Мелиоранский П.М. Арабъ филологъ о монгольскомъ языкѣ. – Санктпетербургъ: Типографія императорской академіи наукъ. Вак. Остр., 9 линия, № 12. 1903. 172 с.; Мелиоранский П.М. Арабъ филологъ о турецкомъ языкѣ. – Санктпетербургъ: Типографія императорской академіи наукъ. 1900. 74 с.

⁹ Боровков А.К. Названия растений по бухарскому списку «Муқаддимат ал-адаб» // Тюркская лексика и лексикография. – М.: Наука, 1971. – С. 95-110.; Лексика среднеазиатского тefсира XII-XIII вв. – М.: 1963. – 367 с.

“Девон”да келтирилган сўзлар нафақат ўзбек тили ва шеваларидаги фитонимларни, балки барча туркий тиллардаги мазкур луғавий бирликларни бир-бирига қиёслаш, фонетик қонуниятларни аниқлаш, этимологик таҳлиллар олиб боришда жуда муҳим ҳисобланади.

Тадқиқ қилинаётган ҳудуд фитонимларини ўрганишда, хусусан, Хоразм воҳаси аҳолиси тилидаги ўсимлик номларининг шаклий ва маъновий тараққиёти ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил қилиш, айрим илмий мулоҳазаларни баён қилишда А.К.Боровков томонидан “Муқаддимат ул-адаб”да келтирилган фитонимлар махсус ўрганилган иш сифатида катта эътиборга молик¹. Мақолада асарда келтирилган 133 та фитоним Н.Н.Поппе², С.Саҳобиддиновлар тадқиқотига қиёсан ўрганилган³. Асосий луғат мақола ичида берилган фитонимларни ҳам эътиборга олсак, уларнинг салмоғи анча катталашади. Масалан, *ot* луғат мақоласида *quru ot*, *ol ot*, *čiččik ot*, *suw oti* каби сўзларнинг изоҳланиши бунга мисолдир⁴. Бундан ташқари, асар кўп тилли (арабча-форсча-туркий) бўлгани боис фитонимларни бир-биридан фарқлаш, уларни қиёслашни осонлаштиради. Жумладан, *čečäk* форсча *گل гул*, арабча *ورده варда*, *a:q čečäk* форсча *گل سبید гули сапид*, арабча *واتیره ватира* тарзида изоҳланган. Ушбу материаллар ўз ўрнида фитонимларни номлаш тамойиллари хусусида ҳам, уларнинг этимологиясини аниқлашда ҳам катта аҳамият касб этади. Мисол учун асарда *yâš ot* фитонимининг форсча *تره – тара*, арабча *باقه боқа* (кўкат), *yâš ot satqači* сўзининг форсча *تره فروش тарафуруш*, арабча *بقال баққол* деб изоҳланиши *тар* компонентли фитонимлардаги мазкур сўзнинг маъноларини ойдинлаштиришда ўзига хос ўрни бор.

XIV аср обидаси бўлган “Таржумон туркий ва аҷамий ва мўғулий” асари ҳам туркий тиллар, жумладан, уларнинг шеваларидаги фитонимлар тадқиқида катта аҳамият касб этади. Мазкур асарнинг тўртинчи боби “Дарахтлар, мевалар, ўсимликлар ва уларга яқин нарсалар ҳақида” деб номланиб, ундан бир бўлим “Сабзавот, полиз ўсимликлари, ўт-ўлан ва уларга яқин нарсалар ҳақида” тарзида ажратилган. Асарнинг бешинчи боби ҳам фитонимларга алоқадор бўлиб, “Экинлар ва донлар ҳақида” деб номланади. Ҳар иккала бўлимда жами 79 та сўз изоҳланган⁵.

Шунингдек, П.М.Мелиоранскийнинг “Арабъ филологъ о монгольскомъ языкѣ” асарида 14-боб дарахтлар, ўсимликлар ва мева номлари ҳақида бўлиб, уларни шева материаллари билан қиёслаш, биринчи навбатда, фитонимларни олтой тилларидаги шакллариини ўрганиш, иккинчидан, уларнинг этимологиясига ойдинликлар киритишда муҳим ҳисобланади. Жумладан, ушбу бобда мўғулларда ҳам пахта *القطن мамуз*, узум *العنب йузум*, узум, олхўри

¹ Боровков А.К. Названия растений по бухарскому списку «Муқаддимат ал-адаб» // Тюркская лексика и лексикография. – М.: Наука, 1971. – С. 95-110.

² Поппе Н.Н. Монгольский словарь Муқаддимат ал-адаб. I-II. – М-Л., 1938. – 452 с.

³ Саҳобиддинов С.С. Ўрта Осиёнинг фойдали ва зараркунанда ўсимликларининг маҳаллий ва илмий номлари луғати. – Тошкент, 1953. – 96 б.

⁴ Боровков А.К. Названия растений по бухарскому списку «Муқаддимат ал-адаб» // Тюркская лексика и лексикография. – М.: Наука, 1971. – С. 104.

⁵ Таржумон – XIV аср обидаси. Нашрга тайёрловчи А.Юнусов. – Тошкент: Фан, 1980. –Б. 34-37.

الاجاص *qara* ўрук, гул *الورد* чечак, олма *التفاح* алма каби шакллар мавжудлиги, ўз навбатида, туркий тилларнинг мўғул тилига кучли таъсири борлигини ҳам кўрсатади¹. Чунки бирор тилдаги фитонимлар тизими ўз ўрнида ўша тилда гаплашувчи халқнинг маданийлик даражасини маълум маънода кўрсата олиш қобилиятига ҳам эгадир.

Бугунги туркий тиллардаги фитонимларни улардаги қадимги туркий элементлар тадқиқисиз ўрганиш имкони йўқ². “**Туркий тилларга мансуб фитонимлар**” деб номланган биринчи бўлимда *тәрәк // дәрәк* (терак), *ақ тәрәк, көк тәрәк, бой дәрәк, бақатәрәк*,...каби сўзларнинг тарихий-этимологик изоҳи берилган. Туркий қатламга мансуб фитонимлар таҳлили жараёнида айрим сўзлар таркибида маълум компонентлар иштирок этишини кузатамиз. Жумладан, *қап // қав // қаб* компоненти *қовун, қавақ* каби фитонимлар таркибида борлиги кузатилади.

“Мукаддимат ул-адаб”да *qavun* сўзи куйидагича изоҳланган: 1. Форсча *پاليز* – полиз, полиз экинлари экиладиган жой. 2. Форс тилида *харбуза* *خربزه*, арабча *батиха* *بطيخة* – қовун. Шунингдек, ушбу луғатда Хоразм шеваларида бугунги кунда ҳам фаол ишлатиладиган *it qavuni* (форсча *харзаҳра* *خرزهره* ва арабча *алқамма* *علقمه*) сўзи ҳам берилган³. Луғатда *qavunluq* сўзи қовун экиладиган дала (форсча *پاليززار*, арабча *مبطنه*) ҳам маъносида ҳам қайд этилган. Кўринадики, *қовун* сўзининг умуман полиз экини маъносини ҳам англатгани воҳа аҳолиси ҳаётида ушбу экиннинг алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигидан дарак беради. Мазкур фитоним қадимги туркий тиллар луғатларида ҳам қайд қилиб ўтилган: *gavun* (қовун), *gavunlug* (қовунзор)⁴. “Ат-туҳфа”да *қартуз* *قارپوز* сўзи *بطخ اخضر* – кўк қовун дейилиши, унинг сарик ва бошқа рангдагилари *қавун/қовун* *قو و ن* деб юритилгани изоҳланади⁵. “Таржумон”да эса ушбу сўз асарнинг тўртинчи “Дарахтлар, мевалар, ўсимликлар ва уларга яқин нарсалар ҳақида” бобида берилган бўлиб, туркманча деб изоҳланади ҳамда *қовун* сўзидан ташқари, унга алоқадор *қыртыш* – пўчоқ, қовун пўчоғи (асар матнида *قسر البطيخ*) сўзи ҳам изоҳланган⁶. *Қовун* Сибирдаги туркий тиллардан бошқа барча туркийларда айрим фонетик фарқлар билан қўлланилади. Мазкур ҳудуд туркийлари тилида бу сўзнинг ишлатилмаслиги уларнинг табиий-географик ўзига хосликларидан келиб чиққан.

Илмий адабиётларда *қовун* сўзи ясама бўлиб, *қоп* (сочилувчи нарсалар солиб қўйиладиган рўзғор буюми, халта) + *ун* ясовчи қўшимча, яъни *қоп* + *ун*

¹ Мелиоранский П.М. Арабь филологъ о монгольскомъ языкѣ. – Санктпетербургъ: Типографія императорской академіи наукъ. 1900. – С. 90.

² Назаров Г. О некоторых древнетюркских фитонимах // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари. – Тошкент, 2005. – Б. 29.

³ Боровков А.К. Названия растений по бухарскому списку «Мукаддимат ал-адаб» // Тюркская лексика и лексикография. – М.: Наука, 1971. – С. 106.

⁴ Древнетюркский словарь. – Л.: Наука, 1969. – С.406.

⁵ Аттухфатуз закияту филлуғатит туркия. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Мугаллибов. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 26; Изысканный дар тюркскому языку (Грамматический тракт XIV в. на арабском языке). Введение, лексико-грамматический очерк, перевод, глоссарий, грамматический указатель Э.И.Фазылова и М.Т.Зияевой. – Ташкент, 1978. – С. 332.

⁶ Таржумон – XIV аср обидаси. Нашрга тайёрловчи А.Юнусов. – Тошкент: Фан, 1980. – Б. 35.

(*n*, *б* товушларининг *в* билан алмашилиши қўлланилиши туркий тилларда кенг тарқалган фонетик ҳодиса) – “ичига нарса солинган қопга ўхшаш нарса” деб изоҳланади¹. Шуниси характерлики, Кавказдаги туркий тиллардан бўлган булгар тилида ҳозир ҳам *къаб* “қовоқ” маъносини ифодалайди. Ушбу ҳолат ҳам фитоним этимологиясини янада чуқурроқ тадқиқ қилишга ундайди. Бизнингча, *қоп* сўзининг ўзи тарихан ясама бўлиб, ўзбек тилидаги *қама-*, эски ўзбек тилидаги *қаб*-, турк тилидаги *кара-* сўзлари билан алоқадордир. Туркий тиллардаги *қа-* ўзагининг тараққиёти ва унга алоқадор сўзларни тадқиқ қилган И.В.Кормушиннинг таъкидлашича, қадимги уйғур тилидаги “идиш; қоп” маъносидаги *қар*, турк тилидаги *кар* сўзлари умуман, “ичига нарса солиниб ёпилган, қопланган буюм; қоплама” маъносини англатади ва *қа-* ўзагига *-р* ясовчиси (эски ўзбек тилидаги *қўп-*, *тўп-* каби феъллар таркибида ҳам ушбу ясовчи мавжудлиги ойдинлашади)ни қўшиш асосида вужудга келган ва мазкур феъл қадимги уйғур тилидаги *қарау*, турк тилидаги *кари* сўзларини юзага келтиради². Шу тарзда туркий тилларда *қан* // *қаб* шаклида феъл ва от омонимлиги юзага келади. Туркий тилларда бу тарзда омонимиянинг ҳосил бўлиши махсус тадқиқ қилинган³. Демакки, *қовун* сўзининг тарихий таркиби *қа+в(б,п)+ун* қисмларидан иборат дейишга асос бор. *Қовоқ* фитоними ҳам тарихан *қовун* сўзи билан ўзакдош ҳисобланади. Ушбу фитонимнинг таркибий қисмларини *қа+в(б,п)+ақ* тарзида кўрсатиш мумкин.

Бобнинг иккинчи бўлими “**Эроний тилларга мансуб фитонимлар**” дир. Ўзбек адабий тили ва шеваларида эроний тилларга мансуб сўзлар салмоқли ўрин тутаяди. Эроний тиллар ва туркий тиллар генетикаси турли хил бўлса ҳам, ҳаётий зарурат, маданий-адабий ва турли ижтимоий муносабатларнинг чуқурлашуви туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилида эроний ўзлашмалар миқдорини белгиловчи асосий омил ҳисобланади⁴. Бу бўлимда *замча* // *замбылча*, *гула:въ* // *гулабы* // *гулавы*, *бекзади* // *бе:зат* // *бегзот* // *бекзот* // *бегзоди* // *бегизот* // *беҳзоти*; *тарвуз* каби сўзлар, шунингдек, *тар* компонентли, *нар* компонентли фитонимлар этимологияси берилган.

Масалан, тарихан ясама ушбу фитоним “гул суви, атир гул япроқларидан олинадиган хушбўй ичимлик” маъносидаги *гулоб*⁵ сўзига нисбат қўшимчаси бўлган *-и* *ی* (форс тили грамматикасида йо-йе несбат *ی نسبت*⁶) қўшилиши орқали ҳосил қилинган ва бу номнинг келиб чиқишига мазкур навли қовуннинг ўзига хос хушбўйлиги асос бўлган. Алишер Навоий асарларида *гулоб* сўзи қайд этилган маъносидан ташқари, кўчма маънода “кўз ёши” маъносини ҳам англатади. Шоирнинг қуйидаги машҳур байтида

¹ Исмоилов И., Мелиев К., Сафаров М. Ўрта Осиё ва Қозоғистон туркий тиллари лексикасидан тадқиқот. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 185.

² Кормушин И.В. Лексико-семантическое развитие корня *qa* в алтайских языках // Тюркская лексика и лексикография. – М.: Наука, 1971. – С. 18-19.

³ Щербак А.М. К вопросу о происхождении глагола в тюркских языках // Вопросы языкознания. 1975. №5. – С. 18-29.

⁴ Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар. Навоийга аргумон. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 109; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Б. 103–115.

⁵ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I жилд. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 414.

⁶ Абдусаматов М. Форс тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1977. – Б. 114.

хар иккала маъно назарда тутилган ҳолда ийҳом ҳамда *гул* ва *гулоб* сўзлари орқали иштиқоқ ҳосил қилинган:

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву *гул* баргидин кафан қилғил¹.

Гулоб сўзининг ўзи *гул* ва *об* (сув) сўзларининг бирикувидан ҳосил бўлган. *Гул* фитоними ўрта форс тилида *gul*, ҳозирги форс, тожик ва дарий тилларида *gul*, курд тилида *gül* шакллариغا эга. “Авесто”да *vərdahâ* шаклида бўлган бу сўз ўрта форс тилида *vardâ*, *vartâ* шакллари олиган². Демаки, *гул* сўзи форс тилида паҳлавий тили давридан маълум. Эроний тиллар таракқиётида *v* < *g* ҳодисаси кўплаб учрайди. Кўпчилик тиллар қатори эроний тилларда ҳам *p* < *l* ҳодисасининг мавжудлигини эътиборга олсак, *vardâ*, *vartâ* ва *gul* сўзлари умумий ўзакка эгалиги ойдинлашади. “Авесто”да ушбу маънода *vərdahâ* сўзи ишлатилган ва бу сўз дастлаб атиргул номинигина англаган ва кейинчалик унинг маъносида кенгайиш юз берган. Ўрта форс тилидаги *vardâ*, *vartâ* сўзлари эса ҳозирги форс тилида *vard* шаклида ишлатилади ва қизилгул маъносида мумтоз ўзбек адиблари, жумладан, А.Навоий асарларида ҳам мавжуд³. Масалан, Қаю *vard*ким, келди анбар шамим, Ани билки, очмишдурур бу насим⁴. Иккинчи компонент бўлган *об* сўзи эса эроний тилларнинг дерли барчасида фонетик фарқланган ҳолда “сув” маъносини англатади. Демак, этимологик таҳлил мазкур сўзнинг *гул+об+и* тарзида уч компонентдан иборатлигини кўрсатади.

Тарихан эроний тилларга алоқадор қовун навларидан бири *гурвæk* ҳисобланади. Хоразм шеваларида ҳам ушбу фитоним турли шаклда талаффуз қилинади: *гурвæk* // *гурбæk* каби. Л.З.Будагов ўзининг луғатида ушбу қовун тури ҳақида сўз юритиб, “Хивадаги ширин қовун нави”, деб қайд қилади⁵. Бу қовун номи бошқа шеваларда учрамайди, аммо қорақалпоқ ва туркман тилларидаги луғатларда қайд қилинган: туркм. *гурбек* // *гурвек*; қоз. *гурбек* // *гурбек* – шакли думалоқ, гўштдор, серсув ва ширин ёзги қовун. Қорақалпоғистондаги айрим қозоқлар нутқида ҳам бу фитоним *гурбек* // *қурбек* // *гурбук* шаклида учрайди⁶. Ушбу фитонимнинг этимологияси эроний тиллардаги *гўрг* گُورگ –бўри сўзи билан боғлиқдир. *Гўрг* “бўри” маъносида эроний тилларнинг кўпчилигида мавжуд бўлиб, қадимги форс тилида *varkâna*, “Авесто”да *vehrka*, паҳлавийда *gurg*, санскритда *vrka*, кошонийда *var*, *varg*, *verg*, мазондаронийда *vurg*, афғон (пушту) тилида *lug*, курд тилида *varg*, балужчада *gvarg*, яғноб тилида *aurak* шакллариغا эга⁷. Фитонимдаги *-ак* кўшимчаси, бизнингча, сифат ясовчи вазифасини бажарган бўлиб, кейинчалик *бўрисимон* маъносидаги *гургак* – *гурвæk* фитоиндикаторсиз

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Биринчи том. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 329.

² شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دكتور محمد معين . تهران . امير كبير . ۱۳۸۶ . جلد ۳ . ص ۱۸۲۳

³ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I жилд. –Тошкент: Фан, 1983. –Б. 358-359.

⁴ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн биринчи том. – Тошкент: Фан, 1996. – Б. 39.

⁵ Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том II. –СПб. 1871. – С. 148.

⁶ Алманиязов А., Эубэкіро Т., Абілов Д. Қазакстанның қауын, қарбызы. – Алматы, 1969. – Б. 9.

⁷ شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دكتور محمد معين . تهران . امير كبير . ۱۳۸۶ . جلد ۳ . ص ۱۸۹۲

кўлланилиши натижасида отлашган. -ак кўшимчасининг отлардан ўхшашлик маъносидаги сифат ясашиши *гумбазсимон* маъносидаги *гумбазак* каби сўзларда ҳам кўзга ташланади. *Гург* сўзининг эроний тиллардаги тараққиёти $v > g$ фонетик ҳодисаси ҳақида аниқ тасаввур беради. Ҳинд-Европа тилларида $p > л$, $л > p$ ҳодисаси (бу фонетик ўзгариш ўзбек тилида ҳам бор)ни эътиборга олсак, рус тилидаги *волк* сўзи ҳам *гург* билан тарихан умумий ўзакка эга эканлиги ойдинлашади. Хоразм халқ кўшиқлари лексикасини тадқиқ қилган М.Жуманиёзова фитоним таркибида *гург* – *бўри* сўзи мавжудлигини кўрсатган ҳолда, *гурвайк* бошқа ўзбек шеваларида бўрикалла деб аталади, деб таъкидлайди¹. Лекин бу икки фитонимнинг аталиш мотиви бир хил бўлиб, *гурвак* ва *бўрикалла* қовуннинг алоҳида турларидир.

“Араб луғавий қатламига мансуб фитонимлар” бўлимида *әннап*, *анноб жилонжийда*, *анжир*, *тайпы*, *макка* фитонимлари берилган.

“Бошқа тил элементлари” бўлими эса субстрат қатлам (сўғд ва хоразмий тиллари)га оид ҳамда рус тили билан боғлиқ фитонимларнинг тарихий-этимологик таҳлилидан иборат.

Боб ниҳоясида таҳлил қилинган материаллар асосидаги хулосалар берилган.

Ишнинг учинчи боби **“Фитонимларнинг аталиш мотивларига кўра турлари”** деб номланган бўлиб, 5 қисмга бўлинган.

Ҳозирги кунда айрим олинган шахслар ҳаётида ўсимлик ҳамда уларнинг хусусият ва хоссаларини билиш зарурияти анча камайган. Шу сабабли ҳам янги авлод томонидан кўплаб қадимги фитонимлар унутилиб бормоқда. Аммо инсоният турмуши жараёнида, унинг ривожланиш босқичларида ўсимликларнинг аҳамияти ва роли жуда катта бўлган.

